

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ТАШПУЛАТОВ ДИЛШОД АДБУСАЛИХОВИЧ**

**ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ АГРЕГАТИ  
ИШЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Ташпулатов Дилшод Абдусалихович**

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш агрегати ишчи  
элементларини такомиллаштириш асосида тозалаш  
самарадорлигини ошириш..... 5

**Ташпулатов Дилшод Абдусалихович**

Повышение эффективности очистки хлопка от крупного сора на  
основе совершенствования рабочих элементов очистительного  
агрегата..... 23

**Tashpulatov Dilshod Abdusalikhovich**

Improving the efficiency of cleaning cotton from coarse litter based on  
improving the working elements of the cleaning unit ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ТАШПУЛАТОВ ДИЛШОД АБДУСАЛИХОВИЧ**

**ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ АГРЕГАТИ  
ИШЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т796 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти хузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мадумаров Илхом Дедахонович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Алишер Зулунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01–рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “14” октябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: [titli\\_info@edu.uz](mailto:titli_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона.

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (83 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон–5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил “7” октябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил “16” сентябрдаги 83-рақамли реестр баённомаси).



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги вақтда тўқимачилик ва енгил саноатда ишлатиладиган табиий толалар ичида пахта толаси асосий хомашё ҳисобланади. Халқаро пахта консултив қўмитаси (ICAC) нинг сўнги маълумотларига кўра “жаҳон статистикаси бўйича пахта толасининг етакчи экспортёрлари АҚШ, Ҳиндистон, Австралия, Бразилия ва Ўзбекистон бўлса, унинг импорти бўйича эса Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия ва Индонезия етакчи ҳисобланади”<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда бу мамлакатларда пахта тозалаш саноатига илғор технологияларни жадал жорий этилишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтиришга ва унинг сифат кўрсаткичларини оширишга имкон берадиган юқори самарали машина ва механизмлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, юқори сифатли пахта толасини ишлаб чиқариш вазифасини ҳал этиш учун пахтани дастлабки ишлаш машиналарининг юқори самарадорлик билан ишлайдиган, ресурстежамкор конструкцияларини яратиш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида замонавий техника ва технологияларни тобора кенг қўлланилиши, айниқса пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун технологик машина ва механизмларнинг янги авлодини яратиш, тозалаш самарадорлигини кескин оширилишини таъминлайдиган, уларнинг асосий ишчи органларининг параметрларини, иш режимларини ишлаб чиқишни илмий асослари ва амалий тавсияларини яратиш бўйича комплекс назарий-тажрибавий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, қайта ишланаётган хомашёдан сифатли пахта толасини олишни таъминлаш мақсадида пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарининг самарадорлиги юқори кўп қиррали полимер материалдан тайёрланган колосниклар конструкцияларини яратиш асосида пахтани ифлосликлардан тозалашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш, пахта тозалаш саноати, айниқса пахта-тўқимачилик кластерлари тизими учун техника ва технологияларни модернизациялаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг қамровли комплекс чоралар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш”<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажарилиши, хусусан пахта хомашёсини тозалаш машиналарини самарали, энергия тежамкор

<sup>1</sup><http://www.cotton.org>. org. journal of cotton science; jit.sagepub.com

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

технологиялари ва кўп қиррали полимер материалли колосник конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йиллар учун таркибий ислоҳотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-4707-сон ва 2017 йил 28 ноябрдаги “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4408-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия-ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахтани қайта ишлаш технологик машиналарида пахтани титиш, тозалаш ва пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш технологиясини такомиллаштириш, ишчи органлари, технологик параметрлари ва режимларини оптималлаштириш бўйича дунёда R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.V.Laird ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Республикамизда пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнлар пахтани қуритиш ва ифлосликлардан тозалашни фундаментал, амалий ва методологик асосларини яратишда Е.Ф.Будин, Б.В.Логинов, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, П.Н.Тютин, А.П.Парпиев, Қ.Ж.Жуманиязов, А.З.Маматов, А.Е.Лугачев, И.Д.Мадумаров, Х.Т.Ахмадходжаев, Д.М.Мухаммадиев, Р.К.Джамолов, М.Т.Ходжиев, Р.Ғ.Махкамов, Р.З.Бурнашев, А.Джураев, Ш.Ш.Хақимов, Р.Х.Росулов, О.Ж.Муродов ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Олиб борилган илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда колосникларнинг диаметрлари, ўзаро қадами, аррали цилиндр билан ҳосил қилинган тирқиш ўлчамлари, аррали цилиндр айланиш частотасини аниқлаш бўйича олиб борилган. Колосникларни енгиллаштирилган кўп қиррали полимер материалли тебранма ҳаракат қилишга асосланган такомиллаштирилган тозалаш технологияси, параметрларини асослаш бўйича назарий ва амалий изланишлар етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзуси тадқиқот иши бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИК-2011-4-2 “Пахта тозалаш агрегатини модернизация қилиш ва жорий этиш” (2011-2012), ЁОТ-Атех-2018-55 “Пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг пластмассали қайишқоқ таянчли колосник

конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш” (2018-2019) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш агрегатини кўп қиррали полимер материалли колосник конструкциясини қўллаш асосида тозалаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш технологиясини кўп қиррали полимер материалли колосникларни қўллаш асосида такомиллаштириш;

пахтадан келаётган зарба кучини инобатга олган ҳолда кўп қиррали полимер материалли колосник параметрларини аниқлаш;

полимер материалли колосник қирралар сонини тозалаш самарадорлигига таъсирини тажрибавий тадқиқотлар асосида аниқлаш;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида кўп қиррали полимер материалли колосникларнинг технологик параметрларини машинанинг тозалаш самарасига таъсирини аниқлаш;

тавсия этилган полимер материалли колосниклардан ишлаб чиқариш шароитида синаш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кўп қиррали полимер материалли колосникли панжарали пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш агрегати ва тозалаш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли селекцион ва саноат навли пахта хомашёси ва кўп қиррали полимер материалли колосникларнинг конструктив ва технологик параметрлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, тебранишлар назарияси, математик статистика, эҳтимоллар назарияси, олий математика, пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва тажрибаларни режалаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кўп қиррали полимер материалли колосниклар қўллашга асосланган пахтани йирик ифлосликлардан тозалашни такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини колосник қирралари сонига боғлиқлик қонунияти аниқланган;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида кўп қиррали полимер материалли колосникнинг рационал параметрлари аниқланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти бўйича ишланманинг илмий-техник янгилиги ихтирога берилган RU № 2668544 патент билан химояланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўп қиррали полимер материалли колосникларни қўллаш асосида самарадорлиги юқори бўлган пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш технологияси ишлаб чиқилган;

пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинаси колосникли панжарасининг самарали конструкцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтанинг йирик ифлосликлардан тозалаш УХК агрегатида кўп қиррали полимер материалли колосник панжарасининг ресурстежамкор, янги конструкциясини ишлаб чиқилганлиги, рационал параметрларининг аниқланганлиги ва боғланишлари олинганлиги ҳамда комплекс изланишлар асосида параметрлари асосланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полимер материалли, кўп қиррали ресурстежамкор колосник яратилганлиги ва уни қўллаганда иш унуми, машинанинг ишлаш муддати ортганлиги, энергия ва ресурсни тежалганлиги, юқори сифатли пахта толасини олиш учун ресурстежамкор механизмларни таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўп қиррали полимер материалли колосник УХК машиналарида “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент вилоятининг “Пискент пахта тозалаш” АЖда ва “Қорасув пахта тозалаш” АЖда жорий қилинган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2020 йил 15 августдаги 03-24/2102-сон маълумотномаси). Натижада такомиллаштирилган машинанинг тозалаш самарадорлиги 10 фоизгача ошишига эришилган.

Бундан ташқари “Пахтажин КБ” масъулияти чекланган жамият билан муаллиф ўртасида RU № 2668544 ихтирони коммерциализациялаш бўйича лицензион шартнома имзоланган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2020 йил 15 августдаги 03-24/2102-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари АҚШ, Греция, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган халқаро конференцияларда ҳамда маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 19 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан Россия Федерацияси Федерал Интеллектуал мулк хизматининг ихтиро учун 1 та патенти олинган ҳамда 3 та мақола Scopus халқаро базасидаги илмий журналларда чоп этилган

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил қилади.

Муаллиф мазкур диссертация ишини бажаришда ва илмий натижаларини муҳокама этишда ўзининг илмий маслаҳатларини берган техника фанлари



доктори, профессор Алексей Федорович Плехановга (А.Н.Косигин номидаги Россия давлат университети, Москва ш.) чуқур миннатдорчилик билдиради.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашга оид илмий ишлар таҳлили”** деб номланган биринчи боби пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарининг бугунги кундаги ҳолатига бағишланган. Маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган ва фойдалиналаётган тозалаш машиналарининг ишчи қисмларини авфзаллиги ва камчиликлари таҳлил қилинган. Олиб борилган илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатдики йирик ифлосликлардан тозалаш машиналари колосниклари диаметрлари, колосниклар оралиқ масофалари, аррачали барабан билан колосниклар оралиқ масофалари ва аррачали барабаннинг айланишлар сонини машинанинг тозалаш самарадорлигига таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, колосникларни композит материаллардан тайёрлаш асосида ресурстежамкор енгиллаштирилган кўп қиррали такомиллаштирилган тозалаш технологиясини параметрларини асослаш бўйича назарий ва амалий изланишлар етарлича ўрганилмаган.

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштиришда машиналарнинг детал ва узелларини композит материаллардан тайёрлаш асосида ишлаб чиқариладиган махсулот сифатини сақлаб қолишга йўналтирилган масалаларини ечиш, электрэнергияси, металл ва бошқа хомашё захираларини тежаш, махсулотларни тайёрлашда меҳнат хажмини қисқартириш, мобиллик, мустахкамлик, умурбоқийлик, пухталиқ характеристикаларини ошириш, конструкцияларининг оғирлиги ва нархини пасайтиришни, мослашувчанлик ва универсаллик асосида технологик самарадорликни ошириш масалаларини ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Кўп қиррали колосник тебранма ҳаракати таъсирида пахта бўлакчаларидан ажраладиган ифлосликлар микдорини аниқлашнинг назарий тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида эластик асосдаги колосникларнинг пахта бўлакчаси билан таъсирланишуви жараёнидаги тебранишларининг ва пахтадан ажраладиган ифлосликларни ҳисоблаш бўйича назарий тадқиқотлари олиб борилган.

Бикрлик коэффиценти  $C_1$  бўлган эластик асосли ва массаси  $m$  бўлган колосник  $t=0$  моментда бошланғич қалинлиги  $h_0$  бўлган пахта хомашёси билан

ўзаро таъсирланишувида бўлсин (1-расм). Қалинлиги  $2a$  бўлган контакт зонасининг ҳосил бўлиш вақтини этиборга олмасдан колосникнинг ҳаракат тенгламасини тузамиз.



**1-расм. Эластик асосдаги колосникнинг пахта бўлакчаси билан таъсирланишуви жараёнидаги тебраниш схемаси.**

Колосник билан хомашё орасидаги ўзаро таъсирланувчи кучни Винклер модели асосида аниқлаймиз. Бу куч ифодаси қуйидагича бўлади:

$$P = C_0(h_0 - x) \quad (1)$$

бу ерда  $C_0 = \frac{4}{3}\beta \frac{E \cdot L}{1 - \nu^2}$ ,  $L$  – колосникнинг узунлиги,  $\beta = 1.18$ ,  $E, \nu$  - хомашёнинг Юнг модули ва Пуассон коэффициентини. Айрим ҳолларда  $C_0$  коэффициентини тажриба асосида ҳам аниқлаш мумкин.

Колосникнинг тебраниш тенгламасига асосан қуйидаги кўринишда бўлади:

$$m\ddot{x} + c_1x = c_0(h_0 - x), \quad (2)$$

бу ерда  $c_1$  колосник маҳкамланган эластик асоснинг бикрлик коэффициенти.

(2) тенгламасини қуйидагича ёзамиз

$$\ddot{x} + \omega^2x = \omega_0^2h_0 \quad (3)$$

бу ерда  $\omega_1^2 = \frac{c_1}{m}$ ;  $\omega_0^2 = \frac{c_0}{m}$ ;  $\omega^2 = \omega_1^2 + \omega_0^2$ ;

(2) чи тенгламанинг  $x=0$ ,  $\ddot{x}=0$ ,  $t=0$  шартдаги ечилиши қуйидагича бўлади:

$$x = \frac{c_0}{c_0 + c_1}(1 - \cos\omega t) \quad (4)$$

Қуйидаги ўзгарувчилар  $\alpha = \frac{c_0}{c}$ ;  $\tau = \omega_1 t$ ;  $x = \frac{x}{h_0}$  бўлганда (4) ифодани ёзамиз:

$$\bar{x} = \frac{\alpha}{1 + \alpha} [1 - \cos(\sqrt{1 + \alpha})\tau], \quad (0 < \alpha < \infty). \quad (5)$$

$\alpha = 0$  ҳолда колосник хомашё билан контактда бўлмайди, шунинг учун колосник кўзғалмас ҳолатда бўлади,  $\alpha \rightarrow \infty$  бўлса  $\bar{x} = 1 - \cos\tau$  асос бикрлиги

чексиз катта бўлиб, тебраниш бўлакчадаги эластик куч таъсирида ҳосил бўлади.

Одатда тозалаш жараёнида  $\bar{x}_{\max} < 1$  шартни бажарилиши лозим. Бу шартдан бикрлик коэффиценти  $c_1$  учун ўзгариш чегарасини аниқлашимиз керак,

$$\bar{x}_{\max} = \frac{2\alpha}{1+\alpha}$$


$\bar{x}_{\max} < 1$  шартдан  $\alpha < 1$  тенгсизлик келиб чиқади, бундан  $\frac{c_0}{c_1} < 1$  тенгсизлик оламиз.

Шундай қилиб, колосник асосидаги эластик элементининг бикрлик коэффиценти қуйидаги шартни қаноатлантириши лозим:

$$c_1 > 1.57 \cdot \frac{E}{1-\nu^2} L$$

Хусусий ҳолда  $E=5000 \text{ Н/м}^2$ ,  $L=2 \text{ м}$ ,  $\nu=0,3$  бўлса,  $c_1 > 1.29 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$  шартини оламиз.

2-расмда колосник кучини  $x(m)$  нинг ҳар хил  $c_1$  лардаги графиклари келтирилган. Ҳисобларда  $E=1000 \text{ Па}$ ,  $h_0=0,014 \text{ м}$ ,  $\nu=0,3$ ,  $L=2 \text{ м}$  қабул қилинган.



**2-расм. Пахта хомашёси билан контактда бўлган эластик асосли колосникнинг  $c_1$  (Н/м) нинг ҳар хил қийматларида  $x(m)$  вақт  $t(сек)$  га нисбатан ўзгариш графиклари: 1 –  $c_1 = 10^4$ , 2 –  $c_1 = 1.5 \cdot 10^4$ , 3 –  $c_1 = 2 \cdot 10^4$ , 4 –  $c_1 = 3 \cdot 10^4$**

Графиклар таҳлилидан  $C_1$  (Н/м) ошган сари, колосник кўчишининг максимал қийматини камайиши, ҳамда тебраниш частотасининг ошиб ҳам камайиб бориши кузатиляпти. Шундай қилиб, колосник эластик асосининг бикрлик коэффицентини танлаб олиш ҳисобига, колосник билан аррали цилиндр орасидаги талаб этиладиган максимал масофани таъминлаш имконияти ҳосил бўлади.

Пахта бўлакчасидан ифлосликларининг ажралиши маълум моделга кўра пахта массасининг нисбий камайиши ҳисобида амалга ошади.

$$\frac{dm}{m} = \frac{d\rho}{\rho} \cdot \frac{1}{1+\alpha}, \quad (6)$$

бу ерда  $\rho$  – пахта зичлиги;  
 $a$  – пропорционаллик коэффициентли.

Зичликнинг камайиши эса колосникнинг кўчишига пропорционал бўлади

$$\frac{d\rho}{\rho} = -b\omega_\sigma dt, \quad (7)$$

(7) боғланиш колосник ва аррачали барабан орасидаги масофа ўзгармас бўлганда ўринли бўлади.

Агар улар орасида оралик ўзгарса бу ҳолат ифлосликнинг ажралиш жараёнига таъсир этиб, (7) ифодаси бу ҳолни эътиборга олган ҳолда кўйидаги кўринишда ёзиш мумкин бўлади

$$\frac{d\rho}{\rho} = -(b\omega_\sigma - b_1\dot{x}(t)/h_0)dt, \quad (8)$$

бу ерда  $b$  ва  $b_1$  - ўзгармас, тажриба асосида аниқланадиган коэффициентлар;

$\omega_\sigma$  -аррачали барабан бурчак тезлиги Колосникнинг пахта бўлакчаси билан контактда бўлиши одатда бўлакчанинг  $t=0$  вақтда колосникка бошланғич зарба натижасида бошланади.  $t>0$  бўлганда бўлакча аррачали барабан билан ҳаракатланади. Колосник ҳаракати кўйидаги тенгламанинг

$$\ddot{x} + \omega^2 x = \omega_0^2 h_0$$

$x=0$ ,  $\dot{x}=v_0$  ( $v_0$  зарба тезлиги) шартидаги ечими олинади. Буни эътиборга олиб  $x(t)$  аниқлаймиз

$$x = \frac{v_0}{\omega} \sin \omega t$$

Бу формуладан фойдаланиб, бўлакча зичлиги  $\rho$  ни аниқлаймиз

$$\rho = \rho_0 \exp\left(-b\omega_\sigma t - \frac{b_1 v_0}{h_0} \sin \omega t\right), \quad (9)$$

бу ерда  $\rho_0$  - бўлакчанинг дастлабки зичлиги.

Бўлакча зичлиги тозалаш жараёнида камайиши учун вақт давомида ушбу шарт бажарилиши лозим

$$b\omega_\sigma t + \frac{b_1 v_0}{h_0} \sin \omega t > 0.$$

Пахта бўлакчаси массасининг камайиши (6) формуладан аниқланади

$$m = \rho_0 \exp\left(-\left(b\omega_\sigma t + \frac{b_1 v_0}{h_0} \sin \omega t\right)/(1+a)\right).$$

Пахта бўлакчасини ифлосликдан тозалаш самарадорлиги ушбу формула ёрдамида аниқланади

$$\varepsilon = \frac{m_0 - m}{m_0} = 1 - \exp(-\lambda(\omega_\sigma t + \lambda_1 \sin \omega t))$$

Бу ерда  $\lambda = b/(1+a)$ ,  $\lambda_1 = b_1 v_0 / h_0 b$

Пахта бўлакчаси  $n$  колосник билан бир ҳил зарба таъсирида  $\bar{\omega} = 1$  бўлганда, коэффициентлар  $\lambda$ ,  $\lambda_1$  тозалаш зонасида бир ҳил қийматга эга бўлсин.


У ҳолда  $i$  колосник билан контактда бўлган бўлакчадан ажралган ифлослик миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta m_i = m_0 (1 - \varepsilon_0)(1 - \varepsilon_{01}) \cdots (1 - \varepsilon_{0i-1}) \varepsilon_{0i}$$

Бу ерда  $\varepsilon_{0i} = \varepsilon(t)$  бўлиб, ажралган ифлосликларнинг умумий миқдори қуйидаги йиғинди асосида ҳисобланади

$$M = \sum_{i=1}^n \Delta m_i = m_0 \varepsilon [1 + (1 - \varepsilon) + (1 - \varepsilon)^2 + \cdots + (1 - \varepsilon)^{n-1}] = m_0 \varepsilon \frac{1 - (1 - \varepsilon)^n}{1 - (1 - \varepsilon)}$$

3 - расмда умумий ажратилган ифлосликлар массасининг ( $m_0$  га нисбатан)  $\lambda_1$  нинг иккита ва колосниклар сони мос равишда 3, 5, 7 ва 9 та бўлганда тозалаш зонасида ажралган ифлосликларининг умумий миқдори  $M$  ( $m_0$  нисбатан) ўлчамсиз вақт  $\omega t$  га нисбатан графиклари келтирилган. Графикларда параметр  $\lambda_1$  ошганда ифлосликлар миқдорини қисман ошишини кўрсатапти.



**3-расм. Умумий ажралган ифлосликлар миқдори  $M$  ( $m_0$  нисбатан)нинг  $\lambda_1$  нинг иккита ва колосниклар сони  $n$  нинг ҳар хил қиймаларида  $\omega t$  нисбатан графиклари: 1 –  $n = 3$ , 2 –  $n = 5$ , 3 –  $n = 7$ , 4 –  $n = 9$ .**

Диссертациянинг “УХК русумли пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш агрегати учун кўп қиррали полимер материалли колосникли панжарани ишлаб чиқиш бўйича амалий изланишлар” деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган УХК стенд қурилмасида олиб борилган тажриба-синов натижалари келтирилган.

Кўп қиррали полимер материалли колосникли панжараларни УХК лаборатория стендига ўрнатиб, тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар Наманган-77 селекция навли, ифлослиги 5,4 фоиз, намлиги 8,2 фоиз, пахта

таркибидаги чигитнинг механик шикастланиши 0,2 фоизни ташкил этувчи I нав 2-синфли пахталарда агрегат иш унумдорлиги 5 т/соатида ўтказилди.

Тажриба натижалари 4-5 - расмларда келтирилган.




**4-расм. Тозалаш самарадорлиги колосник қирралари сонига боғлиқлик гистограммаси (I-нав, 2-синф).**

4 - расмда колосник қирралари сонини ўзгаришини ускунанинг тозалаш самарадорлигига таъсири кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики колосникларнинг қирралари сони 4 та бўлганда ускунанинг тозалаш самарадорлиги 60,2 фоизни ташкил этган бўлса, колосникларнинг қирралари сонини ошиб бориши билан ускунанинг тозалаш самарадорлигини пасайиши кузатилмоқда. Колосникларнинг қирралари сони 5, 6, 7, 8 тагача кўпайганда ускунанинг тозалаш самарадорлиги ўз навбатида 59,6; 58,6; 56,1 ва 53,2 фоизларгача камаймоқда. Колосниклар қирралари сони 9, 10, 11, 12 ва 13 тагача ортганда эса ускунанинг тозалаш самарадорлиги деярли ўзгаришсиз 50,0-51,0 фоиз атрофида қолиши кузатилмоқда.

5-расмда колосниклар қирралари сонини ўзгаришини чигитнинг механик шикастланишига таъсири келтирилган.

Ушбу расмдаги 1-чи эгри чизиқ 1-нав 2 синфга мансуб пахтада ўтказилган тажрибалардан кўриниб турибдики, колосникларнинг қирралари сонини ортиб бориши билан чигитнинг механик шикастланиши камайиб бориши кузатилмоқда. Колосникларнинг қирралари сони 4 тани ташкил этганида чигитнинг механик шикастланиши 1,45 фоизни ташкил этган бўлса, колосникларнинг қирралари сони 5 та бўлганда бу кўрсаткич 1,2 фоизни, колосниклар қирралари сони 6 та бўлганда эса чигитнинг механик шикастланиши 0,82 фоизгача камайишини, колосниклар қирралари сони 7 ва 8 тагача ортганда чигитнинг механик шикастланганлиги мос равишда 0,8 ва 0,76 фоизларга камайиши кузатилган бўлса, колосниклар қирралари

сонини 13 тагача оширилганда чигитнинг механик шикастланиши деярли ўзгаришсиз 0,63 фоизгача камайиши кузатилмоқда.



**5-расм. Колосник қирраларининг сонини чигитнинг механик шикастланишига таъсири**

Тозалаш машинасининг оптимал параметрларини аниқлаш мақсадида математик режалаштириш асосида тўлиқ омилли  $2^3$  тажрибалар ўтказилди.

Экспериментал тажрибалар ўтказишда ўлчовларни юқори даражада аниқ олиш ва хатоликларга йўл қўймаслик учун қиёсий баҳолаш стандарт машина кўрсаткичларида амалга оширилди.

Тадқиқот ўтказиш учун омилларни вариациялаш даражаси ишлаб чиқилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Тадқиқот ўтказиш учун омилларни вариациялаш даражаси**

Омиллар	$x_{\max}$	$x_{\min}$	$x_0$	$\Delta$
Эластик материал бикрлиги, $E \cdot 10^4$ $H / \text{м}$	2	1.5	1.75	0.25
Машина иш унумлорлиги, т/соат	7	5	6	1
Аррачали барабан ва кўп қиррали колосник орасидаги масофа, $\delta \cdot 10^{-3} \text{ м}$	16	12	14	2

Асосий омиллар ва уларнинг қийматлари танлаб олингандан сўнг чиқувчи омиллар аниқлаб олинди. Чиқувчи омилларни танлаб олишда асосий эътиборни машинанинг тозалаш самарадорлигига қаратилди.

Олинган натижалар дисперсиясини бир хиллигини баҳолаш Кохрен мезони асосида, регрессия коэффицентларини аҳамиятлилиги гипотезаси Стьюдент мезонидан фойдаланиб аниқланди.

Жараён математик моделига фақатгина аҳамиятли бўлган коэффицентлар киритилди. Шундай қилиб, EXCEL дастури ёрдамида маълумотларга ишлов бериш натижасида олинган регрессия тенгламалари қуйидаги кўринишга эга:

1- навли пахта хомашёси учун регрессия тенгламаси :

$$Y = 84,08 + 0,96X_1 - 1,28X_2 - 0,76X_3 + 2X_1X_2 - 0,86X_1X_3 + 0,34X_2X_3 + 0,27X_1X_2X_3$$


3- навли пахта хомашёси учун регрессия тенгламаси:

$$Y = 80,1 + 0,33X_1 - 1,24X_2 - 1,87X_3 + 0,4X_1X_2 - 1,56X_1X_3 + 0,73X_2X_3 + 0,37X_1X_2X_3.$$

Чикувчи омиллар параметрлари дисперсияси аниқланди ва регрессия тенгламаларини адекватлик гипотезаси текширилди. Фишер критерийсининг ҳисобий қийматлари жадвалда келтирилган қийматлардан кичиклиги олинган моделларни адекватлигини кўрсатади.

Моделларда регрессия коэффицентлари қиймати омилни асосий даражадан юқориги ёки пастки даражага ўтишида кириш кўрсаткичи катталигига мувофиқ равишда киритилган омиллар улушини тавсифлайди.

6-расмда аррачали барабан ва кўп қиррали колосник орасидаги тирқиш кенглигининг пахта хомашёсини тозалаш самарадорлигига таъсир этиши келтирилган.



**6-расм. Тозалаш самарадорлиги аррачали барабан ва кўп қиррали колосник орасидаги тирқиш кенглигига боғлиқ бўлган ҳолда ўзгаришининг графиги:** 1- $x_1=1,0 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=5,0$  т/соат; 2-  $x_1=1,33 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=5,56$  т/соат; 3- $x_1=1,66 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=6,32$  т/соат; 4-  $x_1=2,0 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=7,0$  т/соат.

Тақдим этилган эгри чизиклар шуни кўрсатадики, бунда берилган омил қийматлари  $x_1$  ва  $x_2$  га боғлиқ бўлган ҳолда, тирқиш кенглиги 12 мм. дан 16 мм. гача ортишида тозалаш самарадорлиги пасайиб борувчи эгри чизик билан тафсифланади, биринчи эгри чизикда омиллар қиймати  $x_1=1,0 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=5,0$  т/соат бўлганда, тозалаш самарадорлиги 82,08% дан 80,74% гача,



$x_1=1,33 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=5,56$  ни ташкил этган иккинчи эгри чизикда 82,0 % дан 78,89 % гача,  $x_1=1,66 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=6,32$  т/соатни ташкил этган учинчи эгри чизикда 82,04% дан 77,74 % гача,  $x_1=2,0 \cdot 10^4$  Н/м;  $x_2=7$  т/соат ни ташкил этган тўртинчи эгри чизикда 81,9 % дан то 77,2 % гача.


Тўлиқ омили экспериментларда олинган натижалар таҳлили танлаб олинган асосий омиллар учун қуйидаги қийматларни тавсия этиш имконини беради:

- иш унумдорлиги– 5,0 т/соат;
- эластик материал бикрлиги -  $2,0 \cdot 10^4$  Н/м;
- аррачали барабан ва колосник орасидаги тирқиш кенглиги–16 мм.

Берилган омиллар қийматида пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарининг самарали ишлаши кузатилди.

Диссертациянинг **“Такомиллаштирилган полимер материалли кўп қиррали колосникни ишлаб чиқаришда тажриба синовларини ўтказиш ва иқтисодий самарадорлик”** деб номланган тўртинчи бобида Пскент ва Қорасув пахта тозалаш корхоналарида ўтказилган тажриба-синов натижалари ва иқтисодий самарадорлик келтирилган.

Ишлаб чиқариш тажриба-синовлари Тошкент вилояти “Қорасув пахта тозалаш” АЖда Наманган-77 селекция навли 1-чи саноат нав 2 чи синфли, намлиги 9,6%, ифлослиги 5,8% ва 3-чи саноат нав 1-синф, намлиги 11,2%, ифлослиги 6,9% бўлган пахталарда ўтказилди. Тавсия қилинган кўп қиррали полимер материалли колосниклар корхонанинг тозалаш линиясидаги УХК русумли пахтани йирик ифлос аралашмалардан тозалаш агрегатига ўрнатилди (7-расм).



**7-расм. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш УХК русумли агрегат секциясига ўрнатилган колосниклар**

Ишлаб чиқариш тажриба-синов натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

## Ишлаб чиқаришда ўтказилган тажриба натижалари

№	Кўрсаткичлар	Амалдаги технологик жараён		Таклиф этилаётган технологик жараён	
		Нам-77, 1-нав, 2-синф	Нам-77, 3-нав, 1-синф	Нам-77, 1-нав, 2- синф	Нам-77, 3-нав, 1-синф
1	Ғарамдаги пахтанинг сифат кўрсаткичлари (%): намлиги, ифлослиги.	9,6 5,8	11,2 6,9	9,6 5,8	11,2 6,9
2	2СБ-10 қуритгичидан кейинги пахтанинг кўрсаткичларининг ўзгариши: қуритиш агентининг ҳарорати, °С намлик, % ифлослиги, % чигит шикастланишини ошиши, %	120 8,1 5,3 0,2	120 8,8 6,6 0,3	120 8,2 5,5 0,2	120 8,3 6,5 0,3
3	Пахтани УХК агрегатидан кейинги кўрсаткичлари (%): намлиги, ифлослиги, чигитнинг шикастланиши.	7,9 1,0 1,7	8,1 1,1 1,8	8,0 0,6 1,5	8,1 0,7 1,6
4	УХК агрегатининг технологик кўрсаткичлари (%): намлик камайиши, тозалаш самарадорлиги, чигит шикастланишининг ошиши.	0,2 84,48 1,5	0,3 85,50 1,6	0,2 90,5 1,2	0,2 91,3 1,3
5	4ДП-130 жиндан кейин чигитнинг кўрсаткичлари: чигитнинг механик шикастланиш даражаси, % чигитнинг шикастланиши ошиши, жами, %	4,6 3,1	4,8 3,2	4,0 2,8	4,2 2,9
6	1ВПУ тола тозалагичидан кейинги тола кўрсаткичлари: нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори, % нав, синф.	2,6 1 ўрта	4,2 3 ўрта	2,2 1 яхши	3,6 3 яхши

2–жадвалдан кўришиб турибдики, таклиф этилаётган технологик жараённинг тозалаш самарадорлиги мавжуд технологик жараёнга нисбатан 7-8 фоиз юқори бўлиб, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифати “ўрта” синфидан “яхши” синфга кўтарилишига эришилди.

Таклиф этилаётган кўп қиррали полимер материалли колосникларни пахта тозалаш корхоналарига жорий этилиши ҳисобига йиллик иқтисодий самарадорлик 210195,0 минг сўмни ташкил этмоқда.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ БЎЙИЧА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш УХК дастгоҳининг кўп қиррали полимер материалли колосникларни яратишда бажарилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш ва уларни жорий этиш бўйича қуйидаги хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш технологияси самарали ва ресурс тежамкор кўп қиррали полимер материалли колосникларни қўллаш асосида такомиллаштирилди.

2. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш учун мўлжалланган тозалагичларнинг колосникли панжараси технологик конструкциясини таҳлил қилиш асосида энгиллаштирилган, ресурс тежамкор технологияга асосланиб колосник механизмларини кўндаланг кесими турли шаклда бўлган ва металл ўрнини босувчи энгил, арзон композит материалдан, яъни полимер материалли колосникларнинг самарадор схемаси мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди.

3. Назарий изланишлар кўрсатадики, бошланғич зонада тўрт қиррали колосникга катта куч билан урилаётган пахта хомашёси титилади ва унинг таркибидаги ифлос аралашмалар ажратиб олинади. Сўнгра пахта хомашёси ҳаракатланиши даврида ҳар бир кейинги колосникда қирралар сони ортиши билан, пахта хомашёсининг колосник қирралари билан ўзаро таъсир этиш кучи камаяди, лекин унинг часотаси ва ўзаро таъсир этиш йўналиши ортади. Бу чигит қобиғини шикастламаган ҳолда, толали материални йирик ифлос аралашмалардан тозалаш самарадорлигини таъминлайди.

4. Мавжуд технологияда пахта бўлаклари думалоқ колосник сиртига урилганда, бунда урилиш зарба кучлари деярли бир хил бўлади. Фақат бир хил кучлар таъсирида чиқиндиларнинг бир қисмигина ажралади ҳолос. Тавсия қилинган кўп қиррали колосникларда урилиш бурчаги ва импульси турлича бўлиб, чиқиндилар ажралиши интенсивлашади.

5. Тажрибалардан маълум бўлдики колосниклар қирралари сонини 4 тадан 6 тагача ортиши усқунанинг тозалаш самарадорлигини 1,6 фоиздан 0,8 фоизгача камайишига олиб келган бўлса, чигитнинг механик шикастланиши 3 нав пахтада 1,8 фоиздан 1,0 фоизгача, 1 нав пахтада эса 1,45 фоиздан 0,82 фоизгача камайишига олиб келди.

6. Тозалаш самарадорлигини колосник қирралар сонига боғлиқлиги бўйича олиб борилган тажрибалар натижаларини тахлилига кўра машинанинг

иш унумдорлигини юқори бўлиши ва чигитнинг механик шикастланишини минимал бўлиши учун 6 қиррали колосникли панжаралардан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Колосникларни қирраларини аррачага нисбатан ўрнатилиши тозалаш самарасига таъсири аниқланди. Бунда колосник қирраси аррачага қаратилганда пахтага қирралар томонидан таъсири юқори бўлиб, титиш жараёни яхшиланишидан тозалаш самарасининг ортишига олиб келди. Тажрибадан хулоса қиламизки кўп қиррали колосникларни қирраларини аррачага қаратиб жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Кўп қиррали полимер материалли колосникларга эга бўлган янги колосникли панжара борасида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Пахтани йирик ифлос аралашмалардан тозалаш жараёнини регрессия тенгламаси кўринишида тавсифловчи математик модели олинди. Пахтани тозалаш секцияси кўрсаткичлари оптималлаштирилди, унинг асосида қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилди: машина иш унумдорлиги - 5,0 т/соат; эластик материал бикрлиги  $-2,0 \cdot 10^4$  Н/м; аррачали барабан билан колосник орасидаги тирқиш кенглиги – 16 мм.

9. Битта тозалаш линияси бўйича эришилган йиллик иқтисодий самарадорлик 70065,0 минг сўмни ташкил этди. Пахта тозалаш агрегати секциясида тавсия қилинган кўп қиррали полимер материалли колосникни “Ўзпахтасаноат” АЖ таркибига кирувчи 3 та пахта тозалаш корхоналарида жорий этиш УХК тозалаш линияларининг металл сарфини камайтиради, тола сифатини оширади ва 210195,0 минг сўм миқдорда иқтисодий самара берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШПУЛАТОВ ДИЛШОД АБДУСАЛИХОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОЧИСТКИ ХЛОПКА ОТ  
КРУПНОГО СОРА НА ОСНОВЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАБОЧИХ  
ЭЛЕМЕНТОВ ОЧИСТИТЕЛЬНОГО АГРЕГАТА**

**05.06.02–Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Т796.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Мадумаров Илхом Дедаханович**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Маматов Алишер Зулунович**  
доктор технических наук, профессор

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**


**Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «14» октября 2020 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-аудитория, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: [titli\\_info@edu.uz](mailto:titli_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (диссертация зарегистрирована за № 83) Адрес: г.Ташкент, ул. Шохжахон–5, тел. (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан “7” октября 2020 года.

(реестр протокола рассылки № 83 от “16” сентября 2020 года).



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время среди натуральных волокон хлопковые являются основным сырьем, используемым в текстильной и легкой промышленности. По последней мировой статистике Международного консультативного комитета (ICAC) «ведущими экспортёрами хлопкового волокна в мире являются США, Индия, Бразилия, Австралия и Узбекистан, а основными импортирующими странами являются Бангладеш, Вьетнам, Китай, Турция и Индонезия»<sup>1</sup>. При этом в этих странах уделяется большое внимание дальнейшему развитию хлопкоперерабатывающей промышленности с использованием передовых технологий, высокоэффективных машин и механизмов в производстве, позволяющие снижение себестоимости и повышение качественных показателей выпускаемой продукции. Поэтому перспективным является решение важных задач получения качественного хлопкового волокна путем создания высокоэффективных, ресурсосберегающих конструкций хлопкоочистительных машин.

Увеличение масштаба использования в мире современной техники и технологий, особенно для переработки хлопка-сырца проводятся комплексные теоретико-экспериментальные научные исследования по созданию нового поколения технологических машин и механизмов, разработки научных основ определения рабочих параметров, режимов работы, обеспечивающих значительное увеличение очистительного эффекта. Вместе с этим разработка и внедрение высокоэффективной технологии очистки хлопка-сырца от крупного сора на основе применения конструкции многогранных колосников из полимерного материала являются особенно важными задачами для отрасли.

В стране принимаются комплексные меры по организации производства широкого спектра качественных текстильных изделий и одежды, углублению локализации его производства, а также увеличению экспортного потенциала местных производителей. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, ставит задачу «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...снижение энерго- и ресурсопотребления в экономике, ...повсеместное внедрение в производство энергосберегающих технологий»<sup>2</sup>. Реализация данной задачи, в том числе реализацию кластерной модели развития, включающей интеграцию производства от выращивания хлопка-сырца до переработки и производства готовых текстильных и швейных изделий с высокой добавленной стоимостью, расширение производства конкурентоспособной и качественной готовой продукции с использованием местного сырья, а также создание высокоэффективного оборудования и технологий переработки является актуальной задачей.

---

<sup>1</sup><http://www.cotton.org>. org. journal of cotton science; jit.sagepub.com

<sup>2</sup>[Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».](#)

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-4707 «О программе мероприятий по структурным реформам, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» от 4 марта 2015 года и № ПП-4408 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью» 28 ноября 2017 года и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлением развития науки и технологий Республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и энергосбережение, транспорт, машины и приборостроение».

**Степень изученности проблемы.** Проблемы разрыхления, очистки хлопка на технологических машинах, в том числе от крупного сора, совершенствование конструкций рабочих органов-очистителей хлопка, оптимизация технологических параметров и режимов работы очистки хлопка рассмотрены в научных исследованиях крупных мировых ученых, таких как R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.V.Laird и др.

